

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси бакалаврият ва
магистратурасига
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
Низомга 4-илова**

Ўқишга қабул қилишда суҳбатдан ўтказиш Регламенти

I. Умумий қоидалар

1. Суҳбатнинг мақсади – номзоднинг (кейинги ўринларда – абитуриент) банк ва молия соҳасидаги билимлари, кўникмалари, қобилиятлари ва шахсий фазилатлари бўйича касбий тайёргарлигини аниқлашдан иборат.

2. Аниқланадиган билимлар кўникмалар, қобилиятлар ва шахсий фазилатлар:

а) ижтимоий йўналтирилганлик, иқтисодиёт, банк ва молия соҳаларининг энг муҳим муаммоларини тушуниш;

б) иқтисодиёт, банк ва молия соҳаларида юз бераётган ўзгаришлардан хабардорлиги;

в) дунёқарашнинг кенглиги ва қизиқишлар доираси;

г) иқтисодиёт, банк ва молия соҳалари ҳақидаги умумий фикрлар;

д) касбни танлашга бўлган қизиқиш (мотивация);

е) фикрларни мустақил баён қилиш;

ж) оғзаки мулоқот кўникмалари;

з) ахборотни таҳлил қилиш ва қарорларни қабул қилиш кўникмалари.

II. Суҳбат

3. Оғзаки суҳбат давомида Қабул комиссияси аъзолари абитуриентнинг умумий маданий даражаси, касбий муҳитни англаш, оғзаки мулоқотда ўз нуқтаи назарини баён қилиш, асослаш, ҳимоя қилиш ва таҳлил қилиш бўйича билим ва қобилиятларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётининг кенг кўламли долзарб муаммолари юзасидан саволлар беришади.

4. Суҳбат онлайн тарзда абитуриентнинг шахсий компютерида Академия томонидан белгиланган махсус хизмат тизими орқали амалга оширилади. Компютер веб-камера ва микрофон билан жиҳозланган ҳамда интернетга уланган бўлиши керак.

5. Суҳбат натижасида абитуриент учта тилдан бирини (ўзбек, рус ёки инглиз тили) мукамал билиши, шунингдек бошқа икки тилда оғзаки нутқни тушуниш қобилиятини баён қилиши керак:

умумий маданий даража (мезонлар 0 дан 20 балгача баҳоланади):

- a. математика, иқтисодиёт ва география соҳасидаги билимлар;
- b. мутолаа доираси ва ахборотлар манбаси;
- c. ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги асосий ўзгаришлардан хабардор бўлиши;

касбий соҳани тушуниш (мезонлар 0 дан 20 балгача баҳоланади):

- a. жорий ҳолатлар ва янгиликлардан хабардорлиги;
- b. банклар ва молиявий институтларнинг жамиятдаги ролини тушуниш;
- c. соҳанинг экспертлари ва профессионаллари ҳамда бозорнинг асосий иштирокчилари ҳақидаги билимлари;

таҳлил қилиш, мулоҳаза юритиш, баҳслашиш, нуқтаи назарини ҳимоя қилиш қобилияти (мезонлар 0 дан 10 балгача баҳоланади).

III. Абитуриент портфолиоси

6. Абитуриент суҳбат комиссиясини ўзининг иш тажрибасига оид маълумотлар билан таништириши ва эришган ютуқлари (дипломлари, сертификатлари, ёрлиқлари ва б.)ни тақдим этиши мумкин.

7. Иш тажрибаси ва ютуқларнинг мавжудлиги мажбурийлик аҳамият касб этмайди, аммо уларга эга бўлиш суҳбат комиссияси учун баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилишда эътиборга олиниши мумкин—абитуриент портфолиосининг мавжуд бўлиши суҳбат натижалари бўйича якуний баҳони 5 балга ошириши мумкин.

8. Портфолио электрон шаклда тақдим этилади. Абитуриент суҳбат давомида Академия томонидан тақдим этилган хизмат тизими орқали ўз портфолиосини компьютер экрани орқали намойиш қилиши мумкин. Шунингдек, абитуриент суҳбат жараёнида комиссия билан келишган ҳолда ўз портфолиосига ҳавола юбориши мумкин.

IV. Абитуриентнинг корпоратив кадриятларга мувофиқлигини аниқлаш

9. Қабул комиссияси экспертлари абитуриентнинг кадрлар Буюртмачилари корпоратив кадриятларига мувофиқлигига эътибор беришади.

10. Аниқлаш мумкин бўлган кадриятлар орасида: натижага йўналтирилганлик, масъулият, ҳурмат, миннатдорлик, Ватанга садоқат, ривожланиш ва ўсишга интилиш, фаоллик ва етакчилик. Кадриятларга мувофиқлик абитуриентнинг ҳаётини интилишларига оид саволлар ва таҳлиллар ёрдамида аниқланади.

11. Корпоратив кадриятларга номувофиқлик кадрлар Буюртмачилари томонидан абитуриентга иш таклиф қилмасликка асос бўлиши ҳамда эксперт томонидан суҳбат натижаларининг баҳоланмаслигига сабаб бўлиши мумкин.